O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 12 февраль, № 30 (4945) Жума

## Ўзбекистон — Жанубий Корея:
# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



**Сеул, 11 февраль. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).**

Ўзбекистон ва Жанубий Кореяни катта масофа ажратиб туради. Шунга қарамай, Ўзбекистон ва Кореяни мустаҳкам дўстлик ришталари, халқларимизни тарихий маънавий яқинлик боғлаб туради. Бу яқинликнинг теран асослари бор. Иккинчи жаҳон уруши йилларида тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга келиб қолган корейсларга юртимизда қандай меҳр-мурувват кўрсатилганини Корея аҳли мамнуният билан ёдда тутади. Бағрикенглик, саховат, тотувлик, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик ўзбек ва корейс халқлари учун бирдек хос фазилатлардир. Маънавий яқинлик ўзаро ишонч ва ҳурматга асос бўлади.

Икки мамлакатнинг сиёсий муносабатлари ҳақида сўз кетганда, аввало, давлат раҳбарлари ўртасидаги самимий дўстликни таъкидлаш керак. Бу дўстлик Жанубий Корея Президенти Ли Мён Бак Сеул мэри бўлган йиллари бошланган. 2008 йилда Ли Мён Бак президент сайловида ғалаба қозониб, давлат раҳбари лавозимини эгаллагач, инаугурация маросимига олий фахрий меҳмон сифатида Ўзбекистон раҳбарини таклиф этди. 2009 йилнинг май ойида Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарлари Тошкентда учрашдилар.

Олий даражадаги учрашувларнинг мунтазамлиги муносабатларни ривожлантиришдаги фаолликдан далолат беради. Бундай учрашувлар ҳали томонлар ҳамкорликда ўзлаштирмаган янги соҳаларни кашф этишга, янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқишга йўл очади, янада манфаатли алоқалар истиқболини яқинлаштиради.

...Сеулда навбатдаги Ўзбекистон — Корея саммитига катта ҳозирлик кўрилган. Аэропортда, шаҳарнинг марказий кўчаларида икки давлат байроқлари ҳилпирайди, ўзбек ва корейс тилларида ёзилган қутлов сўзлари кўзга ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини «Чонг Ва Дэ» қароргоҳида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Ли Мён Бак шоҳсупага кўтарилдилар. Икки давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Президентларнинг якка-ма-якка суҳбатида Ислом Каримов ва Ли Мён Бак мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу саммит Жанубий Корея Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлигининг яна бир ёрқин далолати эканини, айни пайтда Тошкент ҳам Сеул билан алоқаларни юксак қадрлашини таъкидлади.

Ли Мён Бак ушбу учрашув ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини таҳлил этиш, истиқболда ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашиш учун қулай имконият эканлигини қайд этди.

Президентлар хавфсизлик масалаларини муҳокама қилдилар. Халқаро терроризм ва экстремизмга, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашдаги ҳамкорлик, оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш билан боғлиқ муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқаро сиёсат майдонида бири-бирининг ташаббусларини ёқлаб, бири-бирини қўллаб-қувватлаб келади. Хусусан, Ли Мён Бак 2018 йилда бўладиган Қишки олимпия ўйинларига мезбонлик қилиш учун Пхёнчхан шаҳри номзодини қўллаб-қувватлагани учун Ўзбекистон томонига миннатдорлик изҳор этди.

Ўзбекистон Сеулнинг Корея яриморолидаги муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилиш масаласига ёндашувини, Корея Республикаси раҳбариятининг "Янги Осиё дипломатияси" ташаббуси ҳамда энергетик стратегиясини қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон раҳбари ташаббусининг самараси — Марказий Осиё ядро қуролидан холи ҳудудга айлангани Корея Республикасида юксак қадрланади. Таъкидлаш жоизки, Ислом Каримов ва Ли Мён Бак Шимолий Кореянинг ядросизлантирилиши Шимоли-Шарқий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг муҳим шарти экани борасида ҳамфикрдир.

Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Жанубий Корея нефть-газ, кончилик, машинасозлик, автомобилсозлик, тўқимачилик, логистика, кимё саноати, қурилиш, ахборот-коммуникация технологиялари ва қатор бошқа соҳаларда кенг кўламли қўшма лойиҳаларни амалга оширмоқда. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Корея қўшма қўмитаси мунтазам йиғилишлар ўтказиб, алоқаларнинг янги қирраларини очиш, мазмунини бойитиш, савдо ва сармоя ҳажмини ошириш масалаларини кўриб чиқади. Энергетика ва табиий ресурслар бўйича идоралараро қўмита тузилган.

Ислом Каримов ва Ли Мён Бак икки томонлама муносабатлар 2006 йилда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация руҳида ривожланиб бораётганини таъкидладилар. Ушбу ташриф Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришига ишонч билдирилди.

Президентлар мулоқоти икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом этди. Унда асосий эътибор савдо-иқтисодий, сармоявий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан биридир. Унинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармояси 2 миллиард АҚШ долларидан ошди. Айниқса, нефть-газ, кончилик, нефть кимёси, логистика, қурилиш соҳаларида йирик лойиҳалар бор. Навоий шаҳридаги халқаро аэропорт негизида барпо этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зона бунга ёрқин мисолдир. Ушбу зонадаги қитъалараро интермодал логистика маркази МДҲда ягона бўлиб, у ерда юклар тезкорлик билан туширилади ва ортилади, тақсимланади, махсус омборларга жойлаштирилади. Осиёдан Европага ва Европадан Осиёга жўнатиладиган юклар глобал юк ташиш тармоғининг муҳим бўғинига айланадиган ана шу марказдан ўтади.

Таъкидлаш жоизки, хорижда мазкур эркин индустриал-иқтисодий зонага қизиқиш кучайиб бормоқда. 2009 йил март ойида Сеулда Ўзбекистонда сармоявий ҳамкорлик соҳасидаги янги имкониятларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Кореялик ишбилармонлар эркин индустриал-иқтисодий зонадаги қулайлик ва имтиёзлар билан атрофлича таништирилди. Натижада умумий қиймати 500 миллион АҚШ долларидан ошадиган 35 та сармоявий лойиҳа бўйича келишувларга эришилди. Бу шундан далолат берадики, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасини ривожлантириш икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидандир.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон айнан Жанубий Корея билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришнинг мураккаб, энг илғор технологиялар талаб қиладиган, тайёр маҳсулоти юксак даражадаги қўшимча қийматга эга турини ўзлаштириб, дунёдаги саноқли автомобилсоз давлатлар қаторидан ўрин олди.

"Корея газ корпорацияси" ("КОГАЗ") билан ҳамкорлик нафақат газ конларида геология-разведка ишларини олиб бориш ва конларни ўзлаштириш, балки йилига 445 минг тонна полиэтилен ҳамда полипропилен ишлаб чиқаришни ҳам қамраб олган. Яъни газ хом ашёсини қайта ишлаб, юқори қўшимча қийматли маҳсулот чиқарилади. Бу лойиҳа доирасида 3,12 миллиард АҚШ доллари миқдорида Жанубий Корея сармоясини жалб қилиш режалаштирилмоқда.

Савдо алоқалари борасида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида 1992 йилдан энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинганини таъкидлаш жоиз. 2008 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми бир миллиард доллардан ошди. 2009 йилда эса бу кўрсаткич 1,2 миллиард долларни ташкил этди. Юртимизда 351 Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ушбу мамлакатнинг 91 фирма ва компанияси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган.

Музокараларда Ислом Каримов ва Ли Мён Бак савдо-иқтисодий ҳамда сармоявий ҳамкорликнинг бугунги ҳолатига юксак баҳо бердилар. Шу билан бирга, ҳозирга қадар эришилган натижалар Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг салоҳият ва имкониятларини тўлиқ акс эттирмаслиги таъкидланди. Имкониятларни тўла ишга солиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Гуманитар ҳамкорлик ҳам изчил ривожланиб бораётир. 1992 йилдан Тошкентда Корея таълим маркази фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институтида Корейс тили ва маданияти марказлари, Тошкент ахборот технологиялари университетида Ахборот технологиялари маркази очилган. Тошкентда "Ўзбекистон — Корея" касбга тайёрлаш марказини очиш лойиҳаси таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг яна бир муваффақияти бўлди. У ерда ҳар йили 360 нафар йигит-қиз компьютер йиғиш, графика, электротехника, қишлоқ хўжалиги техникасини таъмирлаш, автомобилларга хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича таҳсил олади.

1999 йили Тошкентда очилган "Ўзбекистон — Корея Республикаси" дўстлик жамияти маданий алоқаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Мунтазам равишда фестиваль, кўргазма, концерт ва бошқа кўплаб маданий тадбирлар ташкил қилинмоқда. Корея Республикасида ўтказилган "Марказий Осиё нафосати" фотокўргазмаси, "Сўғдиёна" ансамблининг "Ипак йўли руҳияти" концерти, "Ипак йўли" фестивали, ҳар йили Тошкентда бўладиган Корея маданияти ҳафталиги шулар жумласидандир. Кореялик хонанда ва созандалар Самарқандда ўтадиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида доим фаол иштирок этади.

— Ушбу ташриф мунтазамлик тусини олган ўзаро ишончли мулоқотларнинг мантиқий давомидир, — деди Ислом Каримов. — Биз синалган стратегик шерик мамлакат билан муносабатларни янада ривожлантириш тарафдоримиз. Сўнгги вақтларда мамлакатларимиз, айниқса, йирик қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш иншоотлари барпо этиш борасида фаол ва самарали ҳамкорлик қилмоқда.

— Дарҳақиқат, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар изчил ривожланмоқда, — деди Ли Мён Бак. — 2009 йил кўплаб давлатлар учун оғир келди. Ўзбекистон эса иқтисодий ўсишга эришди ва йирик халқаро лойиҳалар ижросини давом эттирди. Жанубий Корея Ўзбекистон билан барча соҳаларда ҳамкорлик қилади. Биз Ўзбекистон билан иқтисодиёт, таълим, маданият ва кўплаб бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш, айни пайтда халқаро майдонда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ҳукуматлари ўртасида 2008 йил 12 майда имзоланган 2008 — 2011 йилларда Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик жамғармасининг (EDCF) имтиёзли кредитларини тақдим этиш тўғрисидаги ҳадли битимга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги битим, муқобил энергия манбалари ва энергия тежаш технологияларини ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим, Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуини қуриш ва конни ўзлаштириш лойиҳасини амалга ошириш бўйича сармоявий битим имзоланди.

Умуман, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташрифи доирасида икки мамлакатнинг турли вазирлик ва идоралари ўртасида жами 16 та ҳужжат имзоланди. Уларда инфратузилма, тиббиёт, атроф-муҳит муҳофазаси, ўсимликлар карантини, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги ва қатор бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, Тошкентда Сеул боғини барпо этиш кўзда тутилган.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Корея Республикаси Бош вазири Чон Ун Чан билан учрашди. Мулоқот чоғида ташриф асносида эришилган келишувларни амалиётга тўла ва муваффақиятли татбиқ этиш учун икки мамлакат ҳукуматлари ўртасидаги алоқаларни янада фаоллаштириш, уларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Президент Ислом Каримов Корея Республикаси Миллий ассамблеяси (парламенти) Спикери Ким Хёнг О билан ҳам музокара ўтказди. Давлатлараро муносабатларни ривожлантиришда олий қонун чиқарувчи органларнинг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида парламентлараро алоқалар кўламини янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари Корея Республикаси Миллий ёдгорлик мажмуига ташриф буюрди. Жанубий Кореянинг озодлиги йўлида жон фидо қилганлар хотирасига ҳурмат бажо келтириб, ёдгорлик пойига гул қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

**(ЎзА).**

**Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.**

***Корея Республикаси оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг давлат ташрифига катта эътибор қаратмоқда. Хусусан, матбуотда бугунги Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаёти, халқаро майдондаги ташаббуслари, Жанубий Корея билан муносабатларига бағишланган кўплаб материаллар эълон қилинмоқда.***

# ЖАНУБИЙ КОРЕЯ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТАШРИФИНИ КЕНГ ЁРИТМОҚДА

**Сеул, 11 февраль. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).**

"Кореа Пост" ҳафталигининг ёзишича, "Ўзбекистон Республикаси Президенти жорий йилда Президент Ли Мён Бак томонидан Корея Республикасига таклиф қилинган биринчи давлат раҳбаридир". "2009 йилда Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз ўсди, жалб қилинган хорижий сармоя 33 фоиз, аҳолининг реал даромадлари эса 26,5 фоиз ошди".

Газетада "Ўзбекистон Президенти давлат ташрифи билан Кореяга келади", "Ўзбекистон — Корея: икки томонлама муносабатлар ривожланмоқда", "Ўзбекистондаги тарихий ўзгаришларнинг ташаббускори ва раҳнамоси", "Ўзбекистон "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида кореялик ишбилармонларга "Хуш келибсиз!" демоқда", "Ўзбекистон қонун ижодкорларини очиқ, транспарентлик асосида сайламоқда", "Тарихан дўст Корея ва Ўзбекистон бугун амалий ҳамкорликни ривожлантирмоқда" каби қатор материаллар берилган.

"Кореа Таймс" газетаси ҳам Ўзбекистон раҳбарининг ташрифига қатор мақолалар бағишлаган. "Ўзбекистон ишонч билан барқарор ривожланмоқда", "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасининг долзарблиги нимада?", "Ислом Каримов Корея билан икки томонлама алоқаларни ривожлантираётир", "Ислом Каримов портретига чизгилар" каби материаллар шулар жумласидандир. Газетада Миллий ассамблеянинг собиқ Спикери Ли Ман Супнинг мақоласи эълон қилинган. Унда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатларнинг тарихи чуқур таҳлил қилинади ва 2006 йилдан бу муносабатлар фаол тус олгани қайд этилади. "2006 йилда томонлар Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзолаб, ўзаро муносабатларни энг олий босқичга кўтариш даврига ўтди. Жанубий Корея ва Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги алоқаларни, айни пайтда халқаро майдондаги ҳамкорликни муваффақият билан ривожлантирмоқда", деб ёзади Ли Ман Суп.

"Корея Ҳеральд" газетаси ҳам Ўзбекистон раҳбарининг ташрифига алоҳида эътибор қаратди. Газетада Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатларига, Президент Ислом Каримовнинг корейс тилида нашр этилган «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарига оид материаллар, шунингдек, "GM-ДЭУ" компанияси президенти Майкл Аркамоннинг мақоласи эълон қилинган. М. Аркамон Ўзбекистон эришаётган ютуқлар ўзига мамнуният бахш этишини таъкидлаб, Ўзбекистон қисқа муддатда янги русумдаги автомобиллар ишлаб чиқаришни ўзлаштирганини қайд этади. "Made in Uzbekistan" белгиси билан чиқарилган автомобиллар кўплаб мамлакатларга муваффақият билан экспорт қилинмоқда, улар ўзининг харидоргир, халқаро талабларга мос ва рақобатбардош эканини аллақачон исботлаб бўлди", деб таъкидлайди муаллиф.

**(ЎзА).**

***Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик ҳамда Халқ демократик партиялари фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди.***



# ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШЛАРИ

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

Унда давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Жумладан, "Адолат" СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари муҳокама чоғида парламентнинг аввалги чақириқ ишида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, депутатлар олдида турган вазифаларни самарали ҳал қилиш, айниқса, қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базадаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари фаолиятида қонунга риоя этилишини таъминлаш билан боғлиқ ишларни янада такомиллаштириш зарурлигини таъкидладилар. Депутатлар Президент маърузасида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, қуйи палатада узоқ истиқболга мўлжалланган, мамлакатдаги социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар билан узвий боғлиқ бўлган қонунчиликни ва назорат-таҳлил ишларини фаоллаштиришга келишиб олдилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси аъзолари эса иқтисодий, сиёсий, гуманитар соҳалардаги ислоҳотларни изчил амалга ошириш учун зарур бўлган қонунларни киритиш ташаббуси билан чиқишда айнан ўзларининг фаоллик кўрсатишлари муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашди. Бунинг учун умумий гаплардан амалий фаолиятга ўтиш, чуқур ўйланган, шу жумладан, муқобил, рақобатдош лойиҳалар ва аниқ мақсадли вазифаларни ўзида мужассам этадиган дастурларни тақдим этган ҳолда, фаол иш олиб бориш лозимлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, йиғилишларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2009 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тингланди ва муҳокама этилди.

Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# ТАНҚИД ВА ТАҲЛИЛ АСОСИДА

***Айни кунларда барча вилоятларда фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Унда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинмоқда.***

**АНДИЖОН.** Вилоят ҳокими А. Усмонов бошқарган йиғилишда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар юксак самара бераётгани, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланиб, реал даромадлари ошиб бораётгани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида барча жабҳаларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, йирик саноат корхоналарини модернизация қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қишлоқларнинг ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Буни Андижон вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўтган йили вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 9,6 фоизга ошди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 18,9 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 4,4 фоиз, пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 14,7 фоиз, чакана савдо айланмаси 14,5 фоиз кўпайди. Вилоятда ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, инвестиция жалб этиш, модернизациялаш борасида аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, 20 та лойиҳа бўйича тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилди. Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган 22 та корхона томонидан 51 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бунинг эвазига 34 миллион АҚШ доллари миқдоридаги валюта тежаб қолинди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш, аҳоли бандлигини ошириш, қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш борасидаги ишлар ўз самарасини берди. Ҳисобот даврида 78 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Шаҳрихон, Асака, Олтинкўл туманларида намунавий лойиҳалар асосида 60 оилага мўлжалланган янги уй-жойлар бунёд этилди. Чегарадош туманларда тўққизта савдо мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Йиғилишда қатор соҳаларда айрим камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилгани танқид қилинди. Жумладан, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланмаслик оқибатида Бўз, Булоқбоши, Марҳамат, Пахтаобод, Улуғнор каби туманларда Маҳаллийлаштириш дастури асосида сезиларли иш қилинмаган. "Иссиқлик манбаи", "Омадтранс" очиқ акциядорлик жамиятлари, "Андижон телеком" филиали йилни зарар билан якунлади. Асака, Избоскан, Жалақудуқ туманларида янги иш ўринлари яратишда сусткашликка йўл қўйилди.

Йиғилишда мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Андижон вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розиқулов сўзга чиқди.

**М. СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

* * *

**ФАРҒОНА.** Вилоят ҳокими Ҳ. Нематов олиб борган мажлисда асосий эътибор дунёда молиявий-иқтисодий инқироз ҳали ўз таъсирини йўқотмаган бир шароитда ўтган йилги натижаларни танқидий баҳолаш ҳамда бу хулосалардан келиб чиққан ҳолда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини белгилаб олишга қаратилди. Дарҳақиқат, вилоятда ўтган йил қатор қийинчиликларга қарамай, асосий макро ва микроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича ижобий ютуқларга эришилди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми аввалги йилдагига нисбатан 6,18 фоизга ўсди. Кичик бизнеснинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 55 фоизга етди. Маҳаллийлаштириш дастури амалга оширилаётганлиги ижобий натижалар бера бошлади. Ушбу дастур туфайли 31 корхонада 90 миллион АҚШ доллари қийматидаги валютани тежаб қолиш имкони яратилди.

Агар вилоятда барча манбалардаги имкониятлардан тўлиқ фойдаланилганда, ижобий натижалар бундан-да кўпроқ бўлиши мумкинлиги йиғилишда алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бешта корхона ишлаб чиқариш ҳажмини аввалги йилдаги нисбатан камайтириб юборган. Шунинг ҳисобига вилоят иқтисодиёти режада кўзланганига нисбатан 30,8 миллиард сўм маҳсулотни кам олди. Фуран бирикмалари кимё корхонаси, "Фарғона ёғ-мой" акциядорлик жамияти, "Тапо диск" қўшма корхонаси, "Қўқон-Маш", "Магнит" корхоналари фаолиятидаги камчиликлар танқидий баҳоланди.

Шунингдек, фаоллар йиғилишида вилоят иқтисодиётининг бошқа тармоқларида йўл қўйилган камчиликлар ҳам чуқур ва атрофлича таҳлил этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов иштирок этди.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

* * *

Сарҳисоб

**ҚАШҚАДАРЁ.** Фаоллар йиғилишида Юртбошимиз маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди. Бу ҳақда вилоят ҳокими Н. Зайниев маъруза қилди.

Вилоятда 2009 йил якунлари бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот 8,2, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 16,6, истеъмол моллари 11,5, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 3,4, капитал қўйилмалар ҳажми 10,6, пудрат ишлари 3,8, чакана товар айланиши 15,1 фоиз ўсди. Ташқи савдо амалиётларида 1 миллиард 675 миллион 700 минг АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилди. Экспорт ҳажми ўтган йилдагидан қарийб икки баравар ошди. Иқтисодиётнинг реал секторида инвестициявий фаолликни ошириш, хўжалик юритувчи субъектларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида барча манбалардан 460 миллиард сўмга яқин кредит берилди.

Йиғилишда эришилган натижалар танқидий руҳда таҳлил қилинди. Муҳокама чоғида иқтисодиётни ривожлантириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишнинг фойдаланилмаётган имкониятлари ҳали кўп эканлиги алоҳида таъкидланди. Айниқса, Косон, Чироқчи, Қамаши, Деҳқонобод туманларида амалга оширилаётган ишларнинг суръати ва кўлами етарли эмаслиги танқид қилинди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 28 фоизни ташкил этмоқда. Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Чироқчи, Қамаши туманларида аҳолини иш билан таъминлаш катта муаммо бўлиб тургани ҳолда, маҳаллий хом ашёни қайта ишлашга асосланган кичик корхоналар ташкил этиш суст бормоқда. 2010 йилнинг устувор вазифаларини белгилашда 2009 йил сабоқлари эътиборга олинди. Бу йил вилоятда 2 мингта кичик корхона ишга туширилади. 140 та корхонада ишлаб чиқариш модернизация қилинади. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича 120 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилади.

Фаоллар йиғилишида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг барча йўналишлари бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Шоисматов иштирок этди.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИЛМЛИ, САЛОҲИЯТЛИ, ИНТИЛУВЧАН

## ёшларгина нурли келажак яратишга қодир

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Баркамол авлод йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарори бу соҳада олиб бориладиган ишларнинг йўналишини белгилаб берди. Табиийки, бу ҳамма жойда бўлганидек, Сирдарё вилоятидаги таълим тизими ходимлари олдига ҳам муҳим вазифалар қўйди. Ҳозир вилоятдаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида 52 та таълим муассасаси бор. Шундан 4 таси академик лицей ва 48 таси касб-ҳунар коллежидир. Ушбу таълим муассасаларида жами 40111 нафар ўқувчи таҳсил олиб, касб-ҳунар ўрганмоқда.***

2010 йил — Баркамол авлод йили

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, вилоятдаги таълим муассасаларининг 29 таси янгидан барпо этилди, 23 таси эса тўлиқ реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Айни вақтда бу масканларда таълим-тарбия давлат таълим стандартлари асосида олиб борилмоқда. Энг муҳими, таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог ва мутахассисларнинг малакаларини доимий равишда ошириб бориш тизими самарали йўлга қўйилган. Улар бугун илғор педагогик ҳамда ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш кўникмаларини тўла ўзлаштириб олишган. Ва умуман, ўқув-дидактик материаллардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, педагогларнинг тўла компьютер саводхонлигига эришилиши таълимда ўз самарасини бермоқда, десак адашмаймиз.

Хусусан, Гулистон компьютер ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида баркамол ёшларни тарбиялаш ишлари намунали йўлга қўйилган дейишга ҳақлимиз. Ёшларнинг таҳсил олишлари, касбий кўникмага эга бўлишлари учун жамоа аҳли анчагина ишларни бажарди. Айниқса, таълимни ташкил этишда мавжуд моддий-техника базасидан самарали фойдаланилмоқда. Негаки, ўқув лабораториялари замонавий компьютер технологиялари билан таъминланган. У Германия техникавий ҳамкорлик лойиҳаси асосида тўла жиҳозланган. Ҳар бир ўқув лабораторияси учун алоҳида дарс жадваллари ишлаб чиқилганлиги улардан максимал даражада фойдаланиш имконини бермоқда. Табиийки, бу ўқувчи ёшларнинг ўз касбий кўникмаларини пухта, чуқур ўзлаштириши, келгусида ўз соҳалари бўйича етук мутахассис бўлишлари учун замин яратмоқда.

Айни пайтда коллежимизда замонавий ахборот-ресурс маркази ташкил этилган. У бой ўқув дарсликлари манбаига эга. Ўқитувчилар электрон кўринишдаги ўқув-услубий мажмуалар, ўқув манбаларининг электрон кўринишлари тарзидаги электрон каталоглар ҳам яратишмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ўқувчиларнинг ахборот-ресурс марказидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш баробарида уларнинг фанларни ўзлаштириш даражасини, мустақил билим олиш имкониятини ҳам кенгайтирмоқда.

Таълим муассасасидаги барча компьютер ўқув манбалари, электрон кутубхона, кафедралар ички локал тармоғига уланган. Бу ўзаро ахборот алмашинув даражасининг юқори бўлишини таъминлаётир. Қолаверса, коллежда интернет тармоғидан мунтазам фойдаланиш имконияти яратилганлиги боис ўқувчилар ўз дунёвий билимларини ҳам ошириб бормоқдалар.

Шунингдек, ZiyoNET ахборот-таълим тармоғидан фойдаланиш доимий йўлга қўйилган. Уларнинг барчаси ёшларда интилувчанлик туйғусини шакллантирмоқда, уларни келажакка теран кўзлар билан қарашга даъват этмоқда.

Албатта, янгиликка интилиб яшаш ҳисси бизни доимо таълим тизимини мукаммаллаштиришга ундайди. Шу туфайли олдинда ҳали қилинадиган юмушлар кўп. Президентимизнинг *"Баркамол авлод йили" Давлат дастури тўғрисида"*ги қарори айнан шу йўналишда бизга аниқ вазифаларни белгилаб беради. Жумладан, жараёнга янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар, мультимедиа воситаларни кенг жорий этиш орқали вилоят таълим муассасаларида ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш лозим бўлади, ўқув базасини замонавий турдаги таълим ва лаборатория ускуналари, компьютер жиҳозлари билан мустаҳкамлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда интернет тизимининг ҳар бир оила ҳаётига кириб боришига эришишимиз зарур.

Баркамол авлодни тарбиялаш бугунги кунда нафақат таълим муассасалари, балки бутун бир жамиятнинг ижтимоий вазифасига айланди. Мамлакатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳам ёшларимиз келажак ва истиқболимизнинг чинакам соҳиблари бўлишлиги, уларни камолга етказишда депутат ва сенаторлар олдида ҳам масъулиятли вазифалар мавжудлигини алоҳида таъкидладилар. Бу эса биздан қонун ижодкорлиги, унинг ижроси ҳамда парламент назорати борасидаги ишларни янада мукаммаллаштиришимизни талаб этади. Зеро, баркамол авлод истиқболдаги баркамол турмуш тарзи, дегани ҳамдир.

**Алишер БУРҲОНОВ,**
**Гулистон шаҳридаги компьютер ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

***Ўзбекистон Республикаси Олий судида умумий юрисдикция судларининг 2009 йилда одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти ҳамда келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.***

Унда асосий эътибор давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида суд тизими олдига қўйилган вазифаларнинг ижросига қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б. Мустафоев бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўз самараларини бераётгани таъкидланди. Тизимда амалга оширилаётган ишлар фуқароларнинг қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Жумладан, ўтган йили фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 256 мингга яқин фуқаролик ишлари, 806 мингдан зиёд суд буйруғи чиқариш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилди. Фуқаролик ишларининг 85 фоизи бўйича ҳал қилув қарорлари чиқарилди, шундан 95,4 фоиз иш бўйича даъво қаноатлантирилди. Таъкидлаш керакки, судлар фаолиятида асосий эътибор — қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш жараёнида қабул қилинган қонунларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилмоқда.

Жиноят қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар амалиётда ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, ярашув институтини қўллаш натижасида 15 минг нафардан ортиқ, мазкур институт амалиётга жорий қилинганидан буён ўтган вақт мобайнида эса 95 мингга яқин шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланганлиги сабабли 15 минг нафардан зиёд шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди.

Йиғилишда судья ва суд ходимларининг масъулиятини, касб маҳорати ва малакасини янада ошириш борасидаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Одил судловни амалга ошириш, адолатни қарор топтиришда қонуний ва адолатли суд қарорларининг қабул қилиниши суд ҳокимиятининг обрў-эътиборини юксалтирадиган, аҳолининг унга бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган муҳим омил эканлиги алоҳида таъкидланди.

Амалга оширилган ишлар билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликларга эътибор қаратилиб, суд органлари фаолиятига танқидий баҳо берилди. Камчиликларга йўл қўйган судьяларга интизомий жазо чоралари кўрилиб, бундай ҳолатларни бартараф этишга қаратилган вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) С. Рашидова, Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази директори Ж. Ҳайдаров Омбудсман билан суд органлари ҳамкорлиги масаласи ҳақида гапирди. Бинобарин, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ва соҳага оид ишлар самарасини оширишда ушбу тузилмаларнинг ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ОНА ВАТАН ОЛДИДАГИ БУРЧ

## Муддатли ҳарбий хизматга отланган йигитларнинг ҳар бири бу туйғуни теран ҳис қилишади.

Кексаларимиз доимо дуога қўл очганда, юртимиздаги тинч ва осуда ҳаётга асло кўз тегмасин, дея ният қиладилар. Чунки истиқлол берган мана шу улуғ неъмат туфайли мамлакатимиз гуллаб-яшнамоқда, иқтисодиётимиз ривожланмоқда, шаҳару қишлоқларимиз янада чирой очиб, одамларимиз эртанги кунга катта умид ва ишонч билан боқмоқда. Қувонарлиси, эндигина униб-ўсиб келаётган ёш авлод вакиллари ҳам бу тушунчаларнинг аҳамияти, мазмун-моҳияти нақадар юксак эканини теран ҳис қилиб, она-юрт келажаги учун масъулиятли, садоқатли фарзанд бўлишга астойдил интилмоқдалар.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиздаги фаровонлик, хотиржамликни таъминлашда давлатимиз раҳбари бошчилигида профессионал асосда шаклланиб бораётган Қуролли Кучларимиз муҳим ўрин тутади. Зеро, Президентимизнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригида таъкидланганидек, "...бугунги кунда Ўзбекистон амалда ўзининг замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, яхши қуролланган, мамлакатимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиясига эга, деб айтиш учун барча асосларимиз бор". Мана шу жиҳат, шубҳасиз, ҳар биримизни фахрлантиради, ғурурлантиради.

Жараён

Дарҳақиқат, ислоҳотлар туфайли Қуролли Кучларимизни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими шакллантирилди. Армиямиз сафларини тўлдириш такомиллаштирилди. Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгиланганини, чақирувнинг бир йилда бир марта ташкил этилаётгани, қўшинларда шартнома бўйича хизмат қилаётган сержантлар таркибининг сезиларли даражада кенгайгани, сафарбарлик-чақирув резерв хизматининг жорий этилгани Қуролли Кучларимизнинг қиёфасини, унинг жанговар имкониятларини, ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни тубдан ўзгартирди.





Хабарингиз бор, шу кунларда жойларда давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларни навбатдаги чақирув ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида"ги қарорига асосан, ёшларни муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросимлари ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири кеча Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармасининг йиғин пунктида ташкил этилди. Унда вилоят фаоллари, жамоатчилик вакиллари, чақирилувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

— Президентимизнинг 2008 йил 20 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони чақирув сифати ва самарадорлигини оширишда барчамиз учун муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси масъул ходими, офицер Н. Валиев. — Ўтган вақт мобайнида Фармоннинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини аҳолига кенг тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Чақирув комиссияларининг ишида ошкоралик ва самарали жамоатчилик назоратини таъминлаш учун улар таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари вакиллари жалб қилинди. Комиссия томонидан бўлажак аскарларнинг соғлиғи, жисмоний тайёргарлиги, интеллектуал салоҳияти ўрганилди. Бугун ана шу синовлардан муваффақиятли ўтган ёшлардан бир гуруҳи муддатли ҳарбий хизматга жўнаб кетишаяпти.

— Ҳар бир ота-она ўз орзу-умидларини фарзанди камолида кўради, — дейди Тошкент туманилик Шаҳло Мирзабоева. — Мана бундай кунлар айнан ана шу эзгу ният, таъбир жоиз бўлса, бахтли онларнинг амалдаги бир ифодасидир. Ахир, бундан ортиқроқ қувонч борми дунёда? Ўғлим Азизжон муддатли ҳарбий хизматга бораман, деганида жудаям хурсанд бўлдим. Чунки армия одамни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан тарбиялайди, етук инсон бўлиб шаклланишига катта ёрдам беради. Бугун ўғлимнинг ҳарбий либосни кийиб, сафда ўзига ишонч билан турганини кўрганимда, кўзимга севинч ёшлари келди. Насиб қилса, Азизжон хизматни тамомлаб, олий ўқув юртига киради ва келажакда юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшадиган инсон бўлади.

Тантанага йиғилганларнинг ҳар бири эзгу ниятлар билан муддатли ҳарбий хизматга отланганларга оқ йўл тиладилар.

Шу куни Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида ҳам бир гуруҳ йигитларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш маросими бўлиб ўтди.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ**
**олган суратлар.**

# ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

***Мамлакатимизда шаҳар ва қишлоқлар, ҳатто энг чекка овулларда яшовчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Шу мақсадда сув тармоқлари қуриш ва молиялаштириш ишлари ҳажми йил сайин ошиб бормоқда. Бундан юртдошларимиз беҳад хушнуд бўлмоқдалар.***

— Кейинги пайтда ҳудудимиздаги 90 та аҳоли пункти тоза ичимлик суви билан таъминланади, — дейди Осиё тараққиёт банкининг Навоий вилоятидаги лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳининг ичимлик сув таъминоти бўйича мутахассиси Ҳазрат Ўтамуродов, — Бунга эришиш учун 470 километрлик ичимлик сув қувурларини ётқизиш ишлари жадал олиб борилаётир. Бундан ташқари, 11 сув тарқатиш, шунча ер ости сув иншооти, 22 та сув минораси, 23 та қудуқ барпо этилмоқда. Гап шундаки, Осиё тараққиёт банки иштирокида қишлоқ аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳаси доирасида 19 миллиард 366 миллион сўмлик ўн битта шартнома имзоланган.

Ўтган йили 151,5 километр масофага ичимлик сув қувури ётқизилиб, бу борадаги режа 159 фоизга бажарилган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида 318,5 километрлик сув қувурини ишга тушириш мўлжалланмоқда. Ҳозирча эса Қизилтепа, Нурота, Конимех, Навбаҳор, Хатирчи туманларида 101 мингдан зиёд аҳоли ёки 16156 та хонадон ичимлик суви билан таъминланди.

Тегишли лойиҳа бўйича Қизилтепа туманида 24 та қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлиши керак. Айни пайтда бу ерда учта сув тақсимлаш иншооти бунёд этилмоқда. Бугунга қадар Работи Гарди, Шейхон, Пахтаобод, Авчанон, Сувонгарон, Айрончи қўрғонларига 65,2 километрлик сув қувури ётқизилиб, салкам бир миллиард сўмлик иш бажарилди.

Қарор ва ижро

— Ўтган йилнинг май ойида қурилиш ишларини бошлаган эдик, — дейди "Темур Малик" масъулияти чекланган жамияти бош муҳандиси Ёдгор Гадоев. — Айни кунларда 250 нафар муҳандис-техник ходим самарали меҳнат қилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмига қадар катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, ҳар бир хонадонга ичимлик суви тармоғи уланиб, сув ўлчагич асбоблари ўрнатилади.

Нурота, биласиз, чўл ва тоғолди ҳудудида жойлашган. Маҳаллий аҳоли, асосан, булоқлар ва артезиан қудуқларидаги сув манбаларидан фойдаланиб келади. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 сентябрдаги "Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра, эндиликда бу ерда ҳам сув иншоотларини барпо этиш мақсадида катта ҳажмдаги ишлар адо этилмоқда.

— Ерлик аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун ҳозирда 23 та ер ости қудуғи бурғиланмоқда, — дейди "Навоий қишлоқ қурилиш" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Қаҳрамон Файзиев. — Бу иш ниҳоясига етгач, тоғ этакларидаги 16 та қишлоқнинг 3645 та хонадони обиҳаётдан баҳраманд бўлади.

Конимех, Навбаҳор ва Хатирчи туманларида ҳам жорий йилнинг сентябрь ойигача 275 километрлик сув қувурлари ётқизилиши режалаштирилган. Ҳозиргача 49 километрлик сув тармоқлари тортилди. Бу хайрли ишларни Навоий шаҳридаги "Улкан қурилиш бизнес", 2-механизациялашган кўчма жамланма, "Ўзгазсувқурилиш" жамоаларининг бунёдкорлари амалга оширмоқдалар.

Навоий вилояти "Сувоқова" бошқармасининг бу борадаги ишлари ҳам эътиборга моликдир. Жамоа ўтган йили қишлоқларда 96 километрлик сув қувурларини реконструкция қилиб, 54 минг кишининг ичимлик сув таъминотини яхшилашга эришди.

Буларнинг бари, аслида, Юртбошимизнинг халқимизга кўрсатаётган чексиз ғамхўрлиги самараси, мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар шарофатидир.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЖАҲОН

## 24 соат ичида

## Техник нуқсон туфайли

***Японияниг "Honda" компанияси АҚШда сотилган 378758 та автомобилини қайтариб олишини маълум қилди.***



"The New York Times" газетасида ёзилишича, бунга унинг 2001 ва 2002 йиллардаги "Accord", "Civic", "Odyssey" ва "CR-V" русумли машиналари хавфсизлик ёстиқчасида камчиликлар борлиги аниқлангани сабаб бўлган. Гап шундаки, транспорт ҳодисаси рўй берган вақтда ҳайдовчини шикастланишдан ҳимоя қилишга мўлжалланган мазкур ёстиқчалар меъёридан ортиқча куч билан очилади. Оқибатда бу автоулов бошқарувчисининг жиддий жароҳатланишига олиб келади.

Маҳсулотидаги ушбу нуқсон "Honda" обрўсига путур етказмаслиги учун мутасаддилар уни қайтариб олишни маъқул кўришмоқда.

## Муҳрланган лаҳзалар

***АҚШда 2001 йилнинг 11 сентябрида юз берган террорчилик хуружи оқибатлари билан боғлиқ янги фотосуратлар омма эътиборига ҳавола қилинди.***

"Рейтер" ахборот агентлиги хабарига кўра, мазкур суратлар эгизак биноларга ҳужум уюштирилган чоғда Нью-Йорк полицияси томонидан вертолётдан туриб туширилган экан. Уларнинг умумий сони 2779 тани ташкил этади.

## Харидорлар ёрдами

***Дунёга машҳур "Coca-Cola" компаниясининг инқирозга юз тутмаслиги учун Хитой ва Ҳиндистондаги мижозлари унинг маҳсулотларидан кўпроқ харид қилиб, шу орқали ўзига хос ёрдам кўрсатмоқдалар.***

Кейинги пайтларда мазкур давлатларда компаниянинг "Sprite", "Minute Maid" ва "Coca-Cola" ичимликлари истеъмоли анча ошган. "Евроньюс" телеканали ахборотига қараганда, шунинг эвазига ўтган йилнинг тўртинчи чорагида "Coca-Cola" даромади 55 фоизга ошиб, 1,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этган.

Таҳлилчилар кейинги ўн йил ичида бу яхна ичимликларга бўлган талаб яна уч баравар ортишини тахмин қилишмоқда.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# ИСТЕЪМОЛЧИ — ДОИМИЙ НАЗОРАТЧИ

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, энг аввало, инсон ва унинг манфаатларига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Жумладан, истеъмолчилар ҳуқуқи "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида тўласинча кафолатланган.***



Бироқ истеъмолчилар доим ҳам ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга эътибор беришавермайди. Шу боис Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг 28 ноябрдаги "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида бу борада истеъмолчиларга яқиндан ёрдам бериш, уларнинг ҳуқуқий онги, истеъмол маданиятини ошириш борасидаги аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Ўтган даврда мазкур қарор ижросини таъминлаш йўлида, хусусан, Жиззах вилоятида муайян ишлар адо этилди. Бунинг натижасида корхона, ташкилот, муассасаларда бирлашмамизга аъзо бўлаётганлар сони сезиларли даражада кўпаймоқда. Муҳими, аҳолининг истеъмол маданияти юксалаяпти. Ўтган йили вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари бирлашмасига фуқаролардан икки мингга яқин ариза, шикоятлар тушгани, кўплаб оғзаки мурожаатлар бўлгани бунинг далилидир.

Улар таҳлил этилганда, муаммо кўпроқ лоқайдлик туфайли юз бериши аниқланмоқда. Оддий мисол. Агар истеъмолчи сотиб олган маҳсулоти учун касса чекини талаб қилса, у давлат бюджетига накд пул тушишини таъминлаган бўлади. Нафақа ва ойлик маошларининг вақтида тарқатилишига ўз ҳиссасини қўшади.

Бирлашмамиз фаолиятининг асосий кўрсаткичларидан бири сифатсиз, ноқонуний маҳсулотларни харид қилган аҳоли манфаатини ҳимоя қилиб, уни алмаштириш ёки пулини қайтариб олиш жараёнини судга етказмасдан ҳал қилишдир. Шу маънода, биргина 2009 йилда юзлаб истеъмолчиларга ноқонуний сотилган, сифатсиз маҳсулотлар учун тўлаган пулларини қайтиб олишларида ёрдам берилди.

Сурайё Равшанова Заргарлик маҳалласида жойлашган савдо дўконидан 80000 сўмга мобиль телефонини харид қилган. Дўкон сотувчиси эса бунинг учун касса чекини ва кафолат хатини бермаган. Яна бир истеъмолчи Намоз Сулаймонов ҳам ушбу савдо дўконидан 150000 сўмлик "Нокиа-1112" русумли мобиль телефон аппаратини сотиб олган. Кўп ўтмай, ҳар икки истеъмолчи товарларнинг носоз чиққанлигидан шикоят қилиб, бирлашмамизга мурожаат этишди. Мутахассисларимизнинг саъй-ҳаракати билан иккала истеъмолчининг пули ундириб берилди. Умуман, ўтган йили телефон, радио техникаси сотувидаги шу каби ноқонуний ҳолатлар бўйича истеъмолчиларга салкам 11 миллион 200 минг сўм пул қайтариб берилди.

**Ҳуқуқ**

Вилоятда ички истеъмол бозорини маҳаллий саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кейинги йилларда ўнлаб корхоналар модернизация қилиниб, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Туманлардаги кичик корхоналар сони кескин ортди. Энг узоқ ҳудуд ҳисобланган Арнасойда "Астория серс" корхонасининг тикувчилик цехларида чиройли фартуклар, рўмолчалар, Мирзачўл туманидаги "Иқболжон Маржона" хусусий корхонасида болалар кийим-кечаклари, Янгиобод туманидаги "Ян Пас" фермер хўжалигида уй жиҳозлари ишлаб чиқарилаяпти. Вилоятда рақобатбардош маҳаллий маҳсулотларнинг кўпайиши истеъмолчилар учун арзон ва сифатли буюмлар харид қилиш имконини кенгайтираяпти.

Шунга қарамасдан, буюм бозорлари, савдо мажмуалари ва чакана савдо шохобчаларида мамлакатимизга ноқонуний йўллар билан олиб кирилган товарлар учраб турибди. Сотилаётган молнинг келиб чиқиши билан қизиқмаган, амалга оширган хариди учун касса чекини талаб қилмаган истеъмолчилар бундай ҳолларда чув тушиб қолмоқдалар.

Зомин туманидаги Жар қишлоғида яшовчи Амир Тоғаев ҳушёрлиги билан ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга катта ёрдам қилди. Гап шундаки, у дўконларда сифатсиз, сертификатсиз лампочкалар сотилаётгани ҳақида туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига хабар берди. Бу текшириш жараёнида ўз далил тасдиғини топиб, дўконлардаги ноқонуний моллар савдодан олинди.

Фаолиятимиз давомида табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви ва бошқа коммунал тўловлардаги чалкашликлар хусусидаги шикоятларга кўп дуч келаяпмиз. Коммунал тўловларини почта орқали амалга оширган истеъмолчилар, кўп ҳолларда, айбсиз айбдорларга айланишаяпти. Тўловлар кўрсатилган манзилгача етиб бормаяпти ёки компьютерларга кирим қилинмаяпти.

Жиззах тумани "Тоқчилик" ҚФЙда яшовчи Т. Очилова табиий газдан фойдалангани учун почта шохобчасига 86000 сўм, "Раваллиқ" ҚФЙ ҳудудида яшовчи Ш. Маматқулова эса 343000 сўм топширган. Лекин уларнинг тўлов пуллари компьютерга киритилмаган. Бунда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари почта ходимлари томонидан поймол этилганлиги аниқланиб, тўловлар ўз эгаларига қайтарилди. Коммунал тўловларни тўғри амалга ошириш борасида уларга аниқ кўрсатмалар берилди. Ҳозирда маҳаллалар фаоллари коммунал тўловлар назоратчилари билан доимий мониторинглар ўтказишаяпти.

Баркамол авлод йилида бирлашмамиз томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг аниқ режаси ишлаб чиқилган. Хусусан, жорий йилда фаолият кўламини кенгайтириб, ёш истеъмолчилар, янги оилаларнинг ҳуқуқий билимини ошириш учун давра суҳбатлари, кўрик-танловлар ўтказилади. "Энг кўп чек эгаси", "Юксак маданиятли истеъмолчи оила" каби кўрик-танловлар шулар сирасига киради. Бу аҳолининг истеъмол маданияти юксалишига, пировардида бозорларда инсон саломатлигига салбий таъсир этадиган сифатсиз маҳсулотлар савдосининг камайишига хизмат қилиши, шубҳасиз. Зотан, бугунги саъй-ҳаракатлар замирида истеъмолчиларни зийрак назоратчи даражасига кўтариш мақсад-муддаоси мужассам.

**Гулноза НУРТОЕВА,**
**Жиззах вилояти истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари бирлашмаси раиси.**

***Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётнинг барча тармоқларини изчил ривожлантириш, жумладан, янги корхоналарни ишга тушириш, мавжудларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Ҳаётга татбиқ этилаётган ана шу чора-тадбирлар туфайли ишлаб чиқаришда самарадорлик юксалиб, корхоналарнинг молиявий барқарорлиги таъминланмоқда. Буни Намангандаги собиқ "Атлас" акциядорлик ва "Силк-Роад" ёпиқ акциядорлик жамиятлари негизида ташкил этилган "Водий ипаги" масъулияти чекланган жамияти фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.***



# МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК ЙЎЛИДАН

Очиғини айтиш керак, бозор муносабатларини таркиб топтириш собиқ "Атлас" акциядорлик жамиятига ҳам таъсир қилмай қолмаганди. Замон талабларига жавоб бера олмаган корхона охир-оқибат инқирозга юз тутиб, фаолиятини тўхтатди. Наманган вилояти хўжалик судининг 2006 йил 11 декабрдаги ҳал қилув қарорига асосан, у "банкрот", деб топилди. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда ўша йил 19 ноябрдаги "Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармойишига мувофиқ, "Атлас" акциядорлик ва "Силк-Роад" ёпиқ акциядорлик жамиятлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки балансига ўтказилди ва бу икки жамият негизида "Водий ипаги" МЧЖ ташкил қилинди.

Ишлаб чиқариш иншоотлари, технологик асбоб-ускуна ва дастгоҳларни таъмирлаш, асосий хом ашё саналган пилла ҳамда пилла чиқиндиларини сотиб олишга, шунингдек, корхона айланма маблағи сифатида "Ўзмиллийбанк" томонидан жамиятга 3 миллиард 302 миллион сўм миқдоридаги маблағ йўналтирилди. 2009 йил давомида ана шу маблағ ҳисобидан 300 тонна қуруқ пилла, 151 тонна пилла чиқиндиси харид қилиниб, ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўтган йили "Водий ипаги"да 38,2 тонна табиий ипак ва 25,4 тонна ғазна ипак тайёрланди. Энг муҳими, ҳозирда жамиятда 1200 нафарга яқин киши меҳнат қилаяпти.

Ишчилар мазкур корхонанинг қайта ташкил этилганидан, унда яратиб берилган шарт-шароитлардан беҳад мамнун эканликларини айтишмоқда. Масалан, уларнинг ишга келиб-кетишлари учун махсус транспорт воситалари ажратилган, шунингдек, бир маҳал бепул иссиқ овқат ташкил этилган. Даволаниш ва ҳордиқ чиқариш учун имкониятлар етарли. Янгиқўрғон туманининг Кукёр қишлоғида жойлашган болалар оромгоҳи ва шаҳарнинг Бобуршоҳ кўчасидаги соғломлаштириш маскани вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан "Водий ипаги" МЧЖ ихтиёрига ўтказиб берилгани ҳам нур устига нур бўлди.

**Модернизация**

Ана шу ғамхўрликлардан руҳланган жамоа бугун асосий эътиборни вақтдан унумли фойдаланишга ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини оширишга қаратган. Жамиятнинг пиллакашлик корхонасида бўлганимизда, буни тўла ҳис қилдик. Бу ерда Жанубий Кореядан келтирилган 6 дона "KSSR-100" моделидаги дастгоҳ ўрнатилган бўлиб, улар ёрдамида пилладан ипак тайёрланмоқда. Гуриллаб ишлаётган ускуналарни қиз-жувонлар моҳирлик билан бошқаришаяпти. Уста Алихон Юнусовнинг таъкидлашича, ҳар бир дастгоҳда 40 килограммгача ипак ўраш имкони мавжуд. Агар хом ашё сифатли бўлса, бу кўрсаткич бундан-да ошиши мумкин экан. Қўли-қўлига тегмай меҳнат қилаётган аёлларнинг диққати дастгоҳларга, пилладан ҳосил бўлаётган ипакнинг сифатига қаратилган. Уста ёрдамчиси Шуҳрат Отахонов ускуналарнинг тўхтовсиз ишлашига кўз-қулоқ бўлса, ипак ўровчи Фотима Акбарова ва пилла пиширувчи Ширмоной Турсунова каби ғайратли қизлар иш унумида бошқаларга ўрнак бўлишаётир.

Ғазна ипак ишлаб чиқариш корхонаси етакчи тармоқ саналади. Унда пилла чиқиндисини қайта ишлаш йўли билан ипак ҳосил қилинади. Мазкур жараён беш босқичда амалга оширилади. Тайёр бўлган маҳсулотдан эса бемалол газлама тўқиш мумкин. Бу ердаги пилла чиқиндисини пишириш, йигирувга тайёрлаш, йигирувэшув, унга газ орқали ишлов бериш дастгоҳлари Япониядан келтирилган.

Мазкур тармоқда иш уч сменада ташкил этилган бўлиб, бу ердан 300 нафардан зиёд киши меҳнат билан банд.

Ипакни қайта ўриш таянчида ҳам фаолият қизғин. Унда ўров таянчидан чиққан ипаклар калава қилинади. Бу жараён ҳам кунчиқар юртдан келтириб ўрнатилган "Мурата" ускунасида бажарилади. Ишчилар маҳсулот қанча сифатли бўлса, харидори ҳам шунча кўпайишини яхши билишади. Шу боис бор диққат-эътиборларини маҳсулотнинг талаб даражасида тайёрланишига қаратганлар. Гулбаҳор Маҳмудова, Шаҳодат Азимова ва Садоқат Ботирова каби ипак ўровчиларнинг самарали меҳнати боис ҳали истеъмолчилардан маҳсулотнинг сифати билан боғлиқ эътироз тушганича йўқ.

Ипакни тахлаш ишлаб чиқаришдаги охирги жараёндир. Ипак калавалари ўта сезгир аёлларнинг текширувидан ўтказилиб, идишларга жойлаштирилади ва харидорларга жўнатилади.

Мухтасар қилиб айтганда, ўтиш даврида бир неча йил фаолият кўрсатмаган корхонанинг яна оёққа туриб, кучга тўлаётганидан ишчию хизматчиларнинг барчаси бирдек хурсанд. Улар яратиб берилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, корхонанинг аввалги шуҳратини тиклаш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

**Эркин ҚАМБАРОВ.**

*Ташкилотлар, компаниялар ва фирмалар раҳбарлари диққатига!*

IPOTEKA BANK

«Ипотекабанк»
акциядорлик тижорат ипотека банки

*юқори қувватли пул санаш машинкалари ва валюта детекторлари харид қилиш бўйича* ***танлов эълон қилади.***

Танловда қатнашиш учун тижорат таклифлари 2010 йил 22 февралга қадар қуйидаги манзилга ёпиқ конвертда юборилиши лозим:
**100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 17-уй,**
«Ипотекабанк» учун юқори қувватли пул санаш машинкалари ва валюта детекторлари харид қилиш бўйича танловга» деб кўрсатилиши шарт.
**Маълумот учун телефонлар: (8-371) 150-26-66, 150-98-22, 150-98-21.**

109R/1421

IPOTEKA BANK

«Ипотекабанк»
акциядорлик тижорат ипотека банки

*тўлов маркази ва ички IT-хизматини қайта жиҳозлаш учун серверлар етказиб бериш бўйича* ***танлов эълон қилади.***

*Танловда қатнашиш учун 2010 йил 18 февралга қадар талабнома шаклини тўлдириб, танлов ҳужжатлари тўпламини олиш мумкин.*

*Тақдим этган талабномаси саралаш босқичидан ўтган барча қатнашчиларга танлов ҳужжатлари тўплами берилади.*

***Тижорат таклифлари 2010 йил 1 март куни соат 12.00 га қадар қабул қилинади.***

Талабнома шакли ва танлов ҳужжатларини олиш ҳамда тижорат таклифи тақдим этиш манзили:
**100000, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 17-уй, «Ипотекабанк» АТИБ биноси.**
**Маълумот учун телефонлар: (8-371) 150-98-05, 150-98-01, 150-89-25.**

113R/1421

**Иш берувчилар диққатига!**
Ўз фуқаролик жавобгарлигингизни суғурталашни унутманг!



Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш – ижтимоий ҳимоя воситаси

O'ZBEKINVEST
"O'ZAGROSUG'URTA" DAVLAT AKSIYADORLIK SUG'URTA KOMPANIYASI
KAFOLAT
Alliance Insurance
ALSKOM
ASIA insurance
IShONCh
KAPITAL SUG'URTA страховая компания
Standard Insurance
O'ZBEKINVEST HAYOT
UNIVERSAL SUG'URTA

O'ZBEKINVEST - тел.: 232-07-47; O'ZAGROSUG'URTA - тел.: 239-10-65; KAFOLAT - тел.: 239-48-86; ALLIANCE INSURANCE - тел.: 120-71-00; ALSKOM - тел.: 214-66-07; ASIA INSURANCE - тел.: 300-00-11; ISHONCH - тел.: 238-69-65; KAPITAL SUG'URTA - тел.: 232-02-02; STANDART INSURANCE - тел.: 256-26-99; O'ZBEKINVEST HAYOT - тел.: 252-78-48; UNIVERSAL SUG'URTA - тел.: 234-67-89.

Хизматлар лицензияланган

90R/122

Ушбу жойда **Сизнинг** рекламангиз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги **Реклама** — *бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!*

**Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 236-09-25.**

01



# ЭНГ ГУЛЛАГАН ЁШЛИК ЧОҒИМДА



**Инсон орзу-ҳавас билан яшайди. Айниқса, умр баҳори — ёшликда ҳар бир йигит-қиз қалбида олам-олам эзгу истаклар жўш уради. Бундай орзу-умидлар замирида Ватанга муносиб фарзанд бўлиш истаги мужассам, албатта. Мамнуният билан айтамизки, мамлакатимизда билим олиш, спорт билан шуғулланиш, умуман, эртанги кун умиди билан яшаётган йигит-қизлар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Президентимиз ғамхўрликлари боис бугун катта-катта муваффақиятларга эришаётган ёшларимиз сафи кенгайиб бормоқда. Бундай навқирон авлодга қараб туриб, фахрланмаслик мумкин эмас. Баркамол авлод йили муносабати билан тайёрланган навбатдаги саҳифа орқали эса Бухоро вилояти ёшларининг ҳаётидан воқиф бўласиз.**

**Миллий армиямизда ўтказилаётган изчил ислоҳотлар туфайли ҳарбий хизмат нуфузи ошаяпти. Куролли Кучлар сафида хизмат қилиш шарафли вазифа бўлиб қолди.**

## Чиниқиш мактаби

Менга ҳам кўплаб тенгдошларим қатори армияда хизмат қилиш насиб этди. Ҳозир қисм командирларидан ҳарбий санъат сирларини ўрганаяпман. Тайёргарлигим жойида. Армия, чиндан ҳам, чиниқиш мактаби экан. Ватан ҳимоячиси эканимдан ғурурланаман. Дарвоқе, ўзим Когон туманидаги Хўжаякшаба қишлоғиданман. Ватан ҳимоячиси эканимдан ғурурланаман. Яқинда уйимдан хушхабар келди.

Муддатли ҳарбий хизматни аъло ўтаб, бошқаларга ўрнак кўрсатаётганим учун

### Бурч

ота-онамга Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган Штаби бошлиғи номидан ташаккурнома йўлланибди. Уйдагилар бундан жуда хурсанд эканликлари ҳақида айтишди. Бу хушхабар мени беҳад руҳлантирди. Армиядан ёруғ юз билан қайтиб, олий ўқув юртида ўқиш истагидаман.

**Азизбек ХАЙИТОВ,**
**оддий аскар.**

## Рақамлар сўзлайди:

- Президентимизнинг “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига асосан, **64** та ёш оила “Камолот” ЁИҲ тавсияси билан имтиёзли кредит асосида янги уйли бўлди
- Мустақиллик йилларида вилоятда **80** та касб-ҳунар коллежи, **8** та академик лицей қуриб фойдаланишга топширилди. **2004 — 2009** йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ, **81** та мактаб биноси тўлиқ реконструкция қилинди, **371** та мактаб биноси капитал ва жорий таъмирланди, **7** та янги мактаб қурилди.
- Вилоятда **595** та спорт иншооти мавжуд. Шуларнинг **497** таси қишлоқда жойлашган. **44** та спорт тури бўйича федерациялар фаолият кўрсатаяпти. **36** та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, **13** та ихтисослашган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби ишлаб турибди.
- Ўтган йили бухоролик етти нафар йигит-қиз жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди. **10** нафар спортчи Осиё, **172** нафар спортчи Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритди.

## Донолар дейдики...

*Барча қилинадиган ишлар ниятга боғлиқдир. Инсон ниятига яраша ё савоб, ё гуноҳга эришур.*

**Имом БУХОРИЙ.**

**Яхши ва ёмон хулқнинг ҳаммаси шароит, тарбия, одатланиш натижасида вужудга келади. Яхши хулққа ҳам одат туфайли эришилади.**

**Абу Али ибн СИНО.**

Сен шамга ўхшагин, токи ҳаммага равшанлик бағишла.

**Баҳоуддин НАҚШБАНД.**

**Дунёда заҳматсиз роҳат, ташвишсиз неъмат топилиши мумкин эмас.**

**Аҳмад ДОНИШ.**

*Мен меҳнат қилаётган Вобкент саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи “Харгўш” қишлоқ фуқаролар йиғини марказида жойлашган. Бу ерда Хайробод, Янги турмуш каби ён-атрофдаги қишлоқларда яшовчи ўғил-қизлар таҳсил олишаяпти. Ваҳолонки, илгари ёшлар туман ёки вилоят марказидаги коллежларга бориб ўқишарди. Замонавий, кўркам, кўрса ҳавас қилгулик коллеж биноси қурилиб фойдаланишга топширилгач, улар учун қулайлик юзага келди.*

## *Шаҳарда улғайдим, қишлоқда ишлаяпман*

Ёшлар тажрибали ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш мутахассисларидан назарий билимлар олиб, ўрганганларини амалиётда қўллаяптилар. Фан лабораториялари, тикув цехи, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонаси улар ихтиёрида. Биласиз, малакали ўрта бўғин кадрлар тайёрлашда амалий машғулотларнинг аҳамияти катта. Шуни ҳисобга олиб, коллежимиз раҳбарияти пайвандлаш, электр жиҳозларини таъмирлаш каби турли-туман хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолиятини йўлга қўйиш саъй-ҳаракатида. Истиқболда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини консервалаш миницехи барпо этиш режаси ҳам тузилган.

### Мақсад

Ўзимга келсак, Бухоро шаҳрида туғилиб ўсдим. Бухоро давлат университетининг хорижий тиллар филологияси факультетида таҳсил олдим. Эндиликда қишлоқда яшаб, коллеж ёшларига инглиз тилидан сабоқ бераяпман. Бу ердаги шарт-шароитлар шаҳардагидан сира қолишмайди. Ўқувчиларимиз билимга чанқоқ, интилувчан. Ўқиб-ўрганишга ташна бундай ёшлар билан ишлаш мен учун мароқли. Қолаверса, ҳозирги ёшларнинг бир эмас, бир неча тилни ўрганишлари, билишлари жуда муҳим. Вазифамга шу нуқтаи назардан туриб ёндашишга ҳаракат қилаяпман. Коллежимиз жамоаси эса аҳил, ишчан. Бу ёшларни билимли, баркамол авлод қилиб тарбиялашда жуда қўл келади. Ёш педагог сифатида зиммамдаги масъулиятни чуқур ҳис этаман. Ўқувчиларнинг кенг дунёқараш эгаси, ҳар томонлама етук бўлиб вояга етишлари йўлида куч-ғайратимни аямайман.

**Дилфуза ОБИДОВА.**
Вобкент тумани

***Бухородаги ЮНЕСКО шафелигида очилган гилам тўқиш ва табиий бўёқлар билан ишлашни ўргатиш мактаби раҳбари Фатулло Кенжаевнинг оиласида уч қиз вояга етди. Учаласи ҳам ҳунарманд. Хусусан, Зарина эришган натижалар ҳавас қилгулик. У тиккан сўзаналар, каштачилик буюмлари АҚШнинг Санта-Фе, Германиянинг Бонн, Франциянинг Рюэй-Мальмезон шаҳарларида ташкил этилган халқаро кўргазмаларда намойиш этилган.***

## «Ҳунаримга ҳавас қилишади»

— Ишимиз тўлиқ қўл меҳнатига асосланган, — дейди Зарина. — Ҳатто каштани ҳам фақат қўлда тўқилган бўзда тикамиз. Ипакдан тайёрланган ипларни табиий бўёқ билан бўяймиз.

Ўтмишда момоларимиз сўзананинг гўзал намуналарини яратишган. Зарина ана шу анъанани давом эттираяпти.

### Ғурур

Унинг турфа гуллар, бетакрор нақшлар тасвири туширилган асарлари халқ амалий санъати ихлосмандларини бефарқ қолдирмайди. Тасвирдаги табиийлик, нақшларнинг уйғунлигида самимий қалб ҳарорати синггандек таассурот туғилади. Сўзаналардаги табиий бўёқлар жилвасини айтмайсизми?!

— Табиий бўёқлар тайёрлаш технологияси мураккаб. Бироқ ўрганса бўлади, — дейди у. — Ён-атрофимиздаги ҳар бир нарсадан, дейлик, пиёз пўстлоғидан ҳам ўзимизга керакли ранг олишимиз мумкин. Бундай бўёқлар эскирмайди. Йиллар, асрлар ўтса-да, ўз оҳорини йўқотмайди.

— Ҳунаримиз хорижликларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда, — дейди Бухоро давлат университетининг тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси факультети магистри Зарина Кенжаева. — Ота-боболаримиз ҳам ҳунарманд ўтишган. Аммо бу касбдан косалари оқармаганлигини яхши биламиз. Мустақиллик шарофати билан унга эътибор ниҳоятда кучайди. Миллий ҳунармандчилигимиз эндиликда равнақ топаяпти. Эмин-эркин ишлашимиз учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди.

Дарвоқе, Заринанинг изланишлари, машаққатли меҳнати ўз қадрини топаяпти. У 2005 йилда санъат йўналишида Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати бўлди. Каштачиликни ҳаётининг мазмуни деб билган бу истеъдод эгаси ҳали ўзининг бетакрор сўзаналари билан халқ амалий санъати ихлосмандларини мафтун этиши тайин.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Моҳир мусаввир бўлсам...

**Юртимизнинг бетакрор табиати, қадимий обидалари менга илҳом бағишлайди. Уларнинг суратларини чизаман. Хусусан, ўзим туғилиб ўсган Кунжиқалъа қишлоғи манзараларини суратларда акс эттиришни хуш кўраман.**

### Ният

Ҳозир Бухоро давлат университети қошидаги 4-сонли академик лицейда таҳсил олаяпман.

Изланишларим зое кетмаяпти. “Миср — дунё болалари нигоҳида” халқаро расмлар кўрик-танловида қатнашиб, мазкур беллашув ғолиблари қаторидан ўрин олдим. Турли мамлакатларда яшовчи ўттиз нафар ғолиб қаторида Мисрда танлов якунларига бағишлаб чоп этилган китобдан менинг асарим ҳам ўрин олди. Сал аввалроқ эса Словакияда “Гиёҳвандликка қаршимиз” расмлар танловида иштирок этиб, ғолиб чиққан эдим.

Орзуларим кўп. Юртимизнинг бетакрор манзараларини қоғозга туширсам, халқимизнинг бунёдкорлик ишларини рангин бўёқларда акс эттирсам, дейман.

**Фарангиз АТАЕВА,**
**«Келажак овози» танлови ғолиби.**





*Бошқа тенгдошлари қатори бухоролик ёшларнинг ҳам илму ҳунар эгаллашга иштиёқи баланд.*

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

**Мамлакатимизнинг энг чекка туманларидан бири — Олотда туғилиб, вояга етдим. Биласиз, туманимиздан жуда кўп полвонлар етишиб чиққан. Мен ҳам уларга ҳавас қилиб, ўн бир ёшимдан спортнинг муай-тай тури билан шуғулланишга киришдим.**

## Ўз ўрнимни топдим

Спортда сабр-бардош, қатъият, ўзингга бўлган ишонч кўп нарсани ҳал этади. Биринчи устозим Шаҳриёр Ҳасанов ҳамда республика тоифасидаги ҳакам, спорт устаси, вилоят муай-тай федерацияси бош мураббийи Қурбонмурод Қурбоновдан жуда миннатдорман. Улардан кўп нарсани ўргандим. Қолаверса, ўзим таҳсил олган 20-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактабида биз, ёшларнинг ҳар томонлама соғлом вояга етишимиз учун барча қулайликлар яратилганини алоҳида таъкидламоқчиман.

### Шижоат

Ўтган йил мен учун муваффақиятли кечди. Ўзбекистон терма жамоаси сафида Таиландда муай-тай бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида иштирок этдим. Дунёнинг 82 давлатидан 1200 нафар спортчи қатнашган мазкур мусобақада терма жамоамиз 2 та олтин, 3 та кумуш, 3 та бронза медалини қўлга киритди. Бу ютуққа мутлақ вазн тоифасида жаҳон чемпионлигига эришиш билан муносиб улуш қўшганимдан мамнунман.

Спорт менга жуда кўп нарса берди. У, аввало, ҳаётда ўз ўрнимни топишимга кўмаклашди. Дунёни кўрдим. Дўстлар орттирдим. Биз, ўзбекистонлик ёшлар ҳеч кимдан кам эмасмиз. Спортда эришаётган натижаларим мисолида мен буни бараллa айта оламан.

**Жобир ТОШПЎЛАТОВ,**
**муай-тай бўйича жаҳон чемпиони.**

**Мамлакатимизда биз, ёшларнинг ўз иқтидоримизни юзага чиқаришимиз учун барча қулайликлар яратилган. Ҳамма гап изланиш ва меҳнат қилишда. Машаққатли меҳнат маҳсули эса ҳамиша кучингга куч, ғайратингга ғайрат қўшади.**

## Санъатга меҳрим баланд

Болалигимдан етук санъаткорларимиз ижросидаги мумтоз қўшиқларни эшитиб, бир олам завқ оламан. Хусусан, “Шашмақом” йўналишидаги қўшиқлар, “Мавриги” фольклор намуналарини севиб тинглайман. Ўзим ҳам қўшиқ куйлайман.

### Интилиш

Тошкент эстрада ва цирк коллежи ўқитувчиси, устозим Ваҳоб Йўлдошевдан профессионал ижрочилик сирларини кунт билан ўргандим. “Ўзбекистон”, “Тақдир”, “Олмос кўзларинг” деб номланган қўшиқларим қатор телеканаллар орқали янграб, мухлислар эътиборига тушди.

Келгусида етук санъаткор бўлиб, элга хизмат қилсам, дейман.

**Шуҳрат МАВЛОНОВ,**
**«Ниҳол» мукофоти совриндори.**

**Замонавий ахборот технологиялари ҳаётимизга жадал кириб келмоқда. Дейлик, бугун компьютерда ишлашни ҳамма бирдек хоҳлайди. Шу жумладан, кўзи ожизлар ҳам, лекин уларнинг имконияти чекланган.**

## Изланиш ақлни чархлайди

Бу соҳада улар учун компьютер дастурлари жуда кам яратилган. Мавжудлари ҳам хорижий тилларда. Бирор ҳужжатни компьютерда ёзиш зарурати туғилса, кўзи ожиз ногиронлар соғлом кишилар кўмагига эҳтиёж сезишади. Бу ноқулайликни қандай қилиб бартараф этиш мумкин, деган савол мени шаҳримиздаги 24-сон кўзи ожизлар махсус мактаб-интернатида ўқиб юрган кезларимдаёқ ўйлантирарди.

Шу мактабда устозим — Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Нормон Муродов қўлида математика фанидан сабоқ олдим. 2006 йилда ушбу фан бўйича республика фан олимпиадасида биринчи ўринни эгаллаб, олий ўқув юртига имтиҳонсиз ўқишга қабул қилиндим. Ҳозир Бухоро давлат университети талабасиман. Бу ердаги қулай шарт-шароит ўзим ўйлаб юрган ғояни амалга оширишга ундади. Изланишларим ниҳоят самара бериб, компьютердан кўзи ожиз фойдаланувчиларнинг салоҳиятларини янада ошириш кўзда тутилган “Интерфаол” деб номланган дастур яратдим. Бу дастурда ишлаш учун компьютер экранини кўриш талаб қилинмайди. Ҳамма жараёнлар овоз орқали эшиттирилади. Бошқача айтганда, Брайль ёзувининг олти нуқтали ҳарфлари компьютер клавишларидаги рақамларга кўчирилди. Яна бир қулайлиги, мазкур дастурни амалда қўллаш учун ҳеч қандай қурилма талаб этилмайди. Дастлабки натижалар чакки эмас. Вилоят кўзи ожизлар кутубхонасида

### Ихтиро

ҳозир ушбу дастурдан тажриба тариқасида фойдаланилаяпти.

Бу катта ишнинг бошланиши, холос. Негаки, дастурни такомиллаштириш ишлари ҳали олдинда. Шу мақсадда ҳозир университетда устозларим кўмагида “Кўзи ожизлар учун компьютердан фойдаланишнинг интерфаол усуллари дастури” мавзуида изланишлар олиб бораяпман. Изланишларимнинг муваффақиятли чиқишига ишонаман.

**Санжар ҲАМИДОВ,**
**II гуруҳ ногирони.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 103. 63314 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Каримов.
Навбатчи — Қ. Хидиров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 21.50 1 2 4 5